ЁШЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШДА МУЗЕЙЛАР ЎРНИ

Сайитова Лола Исроиловна
“Қосим Шайх” мажмуа музейи ходими.
(+99894.364.64.76)

https://doi.org/10.5281/zenodo.24019571

Аннотация. *Ушбу мақолада ёшларнинг жисмоний салоҳиятини оширишда музейларнинг ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинган.Музейлар орқали ёшларда миллий ғурур,ватанпарварлик,жасурлик ва спортга қизиқиш туйғуларини шакллантириш масалалари ёритилган.Тошкент Олимпия шон-шуҳрат музейи фаолияти мисолида музейларнинг ёш авлод тарбиясидаги ўрни очиб берилган.Хусусан Навоий вилояти музейларида худудий спорт тарихига оид кўргазмалар ташкил этиш,маҳаллий таниқли спортчилар иштирокида “маҳорат дарслари” ҳамда давра суҳбатларини ўтказиш бўйича амалий таклифлар илгари сурилган.Шунингдек музей ҳовлисида ўзбек миллий кураши,камончилик каби қадимий спорт турларини кенг тарғиб қилиш, ёшларни соғлом турмуш тарзига йўналтиришнинг инновацион усуллари ҳамда музей экспонатлари ва тарихий мерос ёшларнинг ҳам жисмоний,ҳам маънавий баркамолигини таъминлашда муҳим омил эканлиги асосланган.*

Калит сўзлар*: музей, ёшлар, жисмоний салоҳият, маънавият, спорт, Олимпия шон шуҳрат музейи, Навоий вилояти,Кармана тумани музейлари, худудий спорт тарихи, ватанпарварлик, миллий ғурур, тарбия, баркамол авлод, этноспорт, миллий кураш, соғлом турмуш тарзи.*

Abstract. *This article analyzes the role and significance of museums in enhancing the physical potential of young people. It highlights the role of museums in fostering national pride, patriotism, courage, and interest in sports among young people. Using the activities of the Tashkent Museum of Olympic Glory as an example, the article examines the importance of museums in educating the younger generation. In particular, practical proposals are put forward for organizing exhibitions dedicated to regional sports history in museums of Navoi Region, as well as conducting master classes and round-table discussions with the participation of well-known local athletes. Furthermore, the article substantiates innovative approaches to promoting traditional Uzbek sports, such as Uzbek national wrestling and archery, in museum courtyards, encouraging young people to adopt a healthy lifestyle, and demonstrates that museum exhibits and historical heritage play an important role in ensuring both the physical and spiritual development of young people.*

Keywords: *museum, youth, physical potential, spirituality, sports, Museum of Olympic Glory, Navoi Region, museums of Karmana District, regional sports history, patriotism, national pride, education, well-rounded generation, ethnosport, national wrestling, healthy lifestyle.*

Аннотация. *В данной статье анализируются роль и значение музеев в повышении физического потенциала молодёжи. Освещаются вопросы формирования у молодого поколения чувства национальной гордости, патриотизма, мужества и интереса к спорту посредством музейной деятельности. На примере деятельности Ташкентского музея олимпийской славы раскрывается роль музеев в воспитании подрастающего поколения.*

В частности, выдвигаются практические предложения по организации выставок, посвящённых истории регионального спорта, в музеях Навоийской области, а также проведению мастер-классов и круглых столов с участием известных местных спортсменов. Кроме того, обосновываются инновационные методы популяризации древних национальных видов спорта, таких как узбекская национальная борьба и стрельба из лука, на территории музейных дворов, привлечения молодёжи к здоровому образу жизни.

Подчёркивается, что музейные экспонаты и историческое наследие являются важными факторами обеспечения как физического, так и духовного совершенствования молодёжи.

Ключевые слова: *музей, молодёжь, физический потенциал, духовность, спорт, Музей олимпийской славы, Навоийская область, музеи Карманинского района, история регионального спорта, патриотизм, национальная гордость, воспитание, всесторонне развитое поколение, этноспорт, национальная борьба, здоровый образ жизни.*

“Ёшларимизнинг жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар бўлиб вояга етишида спорт ва маданият муассасалари, айниқса музейларнинг ўрни беқиёсдир”
Ш.М.Мирзиёев

Жисмоний солоҳият миллий салоҳиятнинг ажралмас қисми бўлиб ўзлигимизни намоён этишда ҳамда ўзгалар томонидан куч – қудратимизнинг эътироф этилишида муҳимдир. Шу сабабли мустақилликни қўлга киритган илк кунлардан бошлаб, Призидентимиз томонидан ёшларнинг жисмоний баркамоллиги мамлакатимиз куч – қудратининг тимсоли сифатида ушбу масалага давлат сиёсати даражасида эътибор бера бошладилар. Бу бежизга эмас, албатта зеро спорт инсонга улуғворлик, ўзлигини намоён этиш, мардлик ва жасурлик хусусиятларини ривожлантиришда асосий омилдир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда: “Спорт фарзандларимизнинг характерини тоблайди, қалбида ўз халқи, юрти билан фахрланиш туйғуларини шакллантиради. Зеро ғурур, фахру ифтихор инсон учун ўз мақсадларига эришишда мадад бўлади”. Ҳақиқатдан ҳам спорт юртимизнинг миллатимизнинг шон – шуҳратини юксакларга кўтарувчи воситадир. Шундай экан ёшларимизнинг жисмоний салоҳиятини ошириш мақсадида уларнинг спортга қизиқишини қўллаб – қувватлаш муҳимдир. Бунинг учун музейлар ўзига хос ўринга эга бўлиб, унда халқимизнинг қаҳрамонликлари, шон – шуҳрати ва жасорати намойиш этилади. Жумладан, ёшларнинг спортга қизиқишини рағбатлантиришда 1996 йилнинг 2 сентябрида Тошкент Олимпия шон – шуҳрат музейининг очилиши ва ушбу маросимда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов ҳамда Халқаро Олимпия қўмитаси Президенти Х.А.Сарорангнинг қатнашиб, нутқ сўзлашлари, бир томондан, ёшларнинг жисмоний салоҳиятини ошириш давлат сиёсати даражасида эътибор берилаётган бўлса иккинчи томондан халқаро ташкилотлар томонидан Ўзбекистон ёшларининг спорт соҳасидаги келажак муваффақиятларининг эътирофи бўлиб ушбу жиҳатлар Халқаро Олимпия қўмитаси Президенти томонидан Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу музейнинг очилиши маросимида ҳам таъкидланди.

Ушбу музей нафақат спорт соҳасига бағишланган экспонатларни намойиш қилиш жойи, балки Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш маркази бўлиши, ёш авлоднинг жисмонан ва рухан баркамол ўсишида рағбатлантирувчи омил эканлиги қувонарлидир. Олимпия шон – шуҳрат музейига қўйилган қимматбаҳо экспонатлар ёшларда миллий ғурур ва ифтиҳор хиссининг ривожида ҳам асосий роль уйнайди, ушбу жиҳатлар ҳам уларнинг жисмоний салоҳиятини оширишни рағбатлантиришда муҳим жиҳат сифатида эътиборлидир. Жумладан Юртбошимиз томонидан совға қилинган "Халқаро спортни ривожлантиришга хиссаси учун" тақдирланган мукофотлар, Халқаро Олимпия қўмитасининг "Олимпия Олтин ордени", Осиё Олимпия кенгашининг "Олимпия Ордени", халқаро ҳаваскор кураши федерациясининг "Олтин маржон" ордени шулар жумласидан бўлиб, бу ёшларимизда ифтихор хиссини уйғотиш билан бир қаторда, жисмонийга яъни мардлик,жасурлик, ватанпарварлик хусусиятларини ривожлантиради.

Республикамизда фаолият кўрсатаётган музейлар:

-ёшларимизнинг жисмоний баркамоллигини таъминлашда, яъни уларда спортга қизиқишни рағбатлантиришда асосий омил бўлиб, ушбу жиҳатлар уларнинг жисмоний салоҳиятларини оширишда муҳимдир;

-ёшларимиз музейларда аждодларимизнинг юрт мудофаси йўлидаги қаҳрамонликларини кўриб, бугунги мустақиллигимиз осонлик билан қўлга киритилмаганлигини, унда аждодларимизнинг орзу –армонлари мужассам эканлиги ҳис этиб, мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асрашни ҳис қиладилар;

- музейларда намойиш этилаётган бунёдкорлик экспонатлари ва фотолавхалар ёшларимизнинг жисмонан соғломлигини таъминлаб уларнинг ғоявий иммунитетнинг ривожида асосий омилдир.

- музейлар ёшларимизнинг жисмоний баркамоллигини таъминлаши билан бир қаторда уларнинг маънавий салоҳиятини ҳам оширишда асосий роль уйнайди. Чунки музейдаги қадимги ва яқин ўтмишдаги жараёнлар кишини тафаккур қилишга чорлайди.

Тафаккур эса ёшларимиз маънавияти ривожида асосий жиҳатдир. Жисмоний ва маънавий камолот уйғунлашсагина комил инсон шаклланади. Юрбошимизнинг ҳар бир ёш авлодни ўзининг фарзанди сифатида ҳисоблаб, ёшларнинг баркамоллигини орзу қилар экан, ушбу ишончни оқлаш яъни ёшларимиз зиммасига мустақиллик асосларини мустаҳкамлашга ҳисса қўшишлари учун юксак бурч ва шарафли маъсулият ҳиссини юклайди.

Амалий тавсиялар ва таклифлар:

Мақолада олиб борилган тахлиллар ва ўрганилган тажрибалар асосида ёшларнинг жисмоний ва маънавий салоҳиятини оширишда қўйидаги амалий тавсия ва таклифлар илгари сурилади:

1.Худудий спорт тарихига оид вақтинчалик ва доимийлик кўргазмаларни ташкил этиш:Навоий вилояти ва Кармана туманларида етишиб чиққан таниқли спортчилар,миллий кураш полвонлари,Олимпия ва жаҳон мусобақалари ғолибларининг ҳаёти ва ғалабаларига бағишланган экспозициялар ҳамда махсус бурчакларни ташкил этиш.

2."Аждодлар жасорати ва замонавий спорт қаҳрамонлари"мавзусида жонли мулоқатларни йўлга қўйиш: Музей фондидаги тарихий жасорат ва мардлик акс этган

манбалар атрофида вилоятимизнинг машҳур спортчилари ва мураббийлари иштирокида ёшлар учун мунтазам равишда “Маҳорат дарслари”ҳамда давра суҳбатлар уюштириш.Бу орқали ёшларда нафақат спортга қизиқиш,балки миллий ғурур туйғуларини ҳам шакллантириш.

3.Музей худудида миллий спорт турлари ва этноспорт тарғиботини кенгайтириш: Музей ҳовлиси ва очиқ майдонларида таълим муассасалари ўқувчилари учун ўзбек миллий кураши, камончилик ва бошқа қадимий миллий ўйинларимиз тарихига бағишланган таништирув тадбирлари ҳамда интерактив кўргазмали чиқишларни ўтказиш.

Хулоса қилиб айтганда музейлар ёшларнинг жисмоний ва маънавий баркамоллигини таъминлашда муҳим ижтимоий-маънавий институт ҳисобланади.Айниқса музейларда сақланаётган тарихий мерос,миллий қаҳрамонлар ҳаёти,спорт соҳасида эришилган ютуқлар ҳамда халқимизнинг жасорат ва матонатини акс эттирувчи экспонатлар ёшларда ватанпарварлик, миллий ғурур ва фидойилик туйғуларини шакллантиради. Бу эса уларнинг жисмоний салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади. Шу билан бирга,музейлар ёшларни спортга қизиқтириш,соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва жисмоний фаолликка ундашда муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Хусусан, Олимпия шон-шухрат музейи каби муассасаларда намойиш этилаётган спорт ютуқлари ва халқаро мукофотлар ёшларда катта мотивация уйғотади ҳамда уларни янги ютуқлар сари илҳомлантиради.Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики,музейлар нафақат маданий-маърифий маскан,балки ёш авлоднинг жисмоний,маънавий ва интеллектуал камолотини таъминловчи муҳим тарбия воситаси ҳам ҳисобланади.Музейлар фаолиятини замонавий инновацион усуллар асосида ривожлантириш,интерактив кўргазмаларни кенгайтириш ва ёшларни музейларга кенг жалб қилиш орқали уларнинг жисмоний ҳамда маънавий салоҳиятини янада ошириш мумкин.Шунингдек глобалашув жараёнида турли ёт ғоялар таъсирининг кучайиб бораётини шароитида музейлар ёшларни миллий қадриятлар,тарихий хотира ва аждодлар мероси руҳида тарбиялашнинг энг самарали воситаларидан бири бўлиб хизмат қилади**. ”Миллий меросимизнинг ажралмас қисми бўлган,бироқ унитилиб бораётган қадимий ва анъангавий спорт уйинларини қайта жонлаштириш мақсадида таълим муассасалари билан ҳамкорликда музей ҳовлисида спорт уйинлари фестивалини ўтказиш, қизиқарли беллашувлар ташкил этиш**.

Бу орқали ёшларнинг миллий спортга бўлган қизиқишини ошириш, ҳамда ғолибларни муносиб рағбарлантириш яъни эсталик совғалари билан тақдирлаш,уларда тарихимизга дахлдорлик туйғусини кучайтириш”муҳим аҳамият касб этади. Чунки ўз тарихини,маданиятини ва миллий қаҳрамонларини яхши билган ёшлар жисмоний бақувват,маънан етук ва мустақил фикрлайдиган шахс сифатида шаклланади.

Демак музейлар ёшларнинг жисмоний салоҳиятини ошириш билан бирга,уларда соғлом дунёқараш миллий ифтихор ва фаол ҳаётий позицияни шакллантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Музейлар нафақат маданий-маърифий маскан, балки ёш авлоднинг жисмоний, маънавий ва интелектуал камолотини таъминловчи муҳим тарбия воситаси ҳам ҳисобланади.

Музейлар фаолиятини замонавий инновацион усуллар асосида ривожлантириш. интерактив кўргазмаларни кенгайтириш ва ёшларни музейларшга кенг жалб қилиш орқали уларнинг жисмоний ҳамда маънавий салоҳиятини ошириш билан бирга,уларда соғлом дунёқараш,миллий ифтихор ва ҳаётий позицияни шакллантиришда,шунингдек, миллий спорт анъаналарини давом эттиришда муҳим аҳамиятт касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч -Тошкент:
2. “Маънавият”, 2008
3. КаримовИ.А.Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2011
4. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси.-Тошкент:”Ўзбекистон”, 2021.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Музейлар тўғрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуни.
7. Олимпия шон-шуҳрат музейи материаллари.
8. Абдуллаев Қ.Музейшунослик асослари.-Тошкент,2015.
9. Раҳимов Р. Ёшлар тарбиясида миллий қадриятларнинг ўрни.-Тошкент, 2019.